



## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА КАГОЦЕЛ®

**Препаратнинг савдо номи:** Кагоцел®

**Дори шакли:** таблеткалар

**Кимёвий номи:** (1→4) – 6 - 0-карбоксиметил-β-D-глюкоза, (1→4) - β - D-глюкоза ва (21→24) - 2, 3, 14, 15, 21, 24, 29 сополимерининг натрий тузи, 32 – октагидрокси – 23 - (карбоксиметоксиметил) - 7, 10 – диметил - 4, 13 – ди (2 - пропил) -19, 22, 26, 30, 31 - пентаоксагептацикло [23.3.2.2<sup>16.20.0</sup>5.28.0<sup>8.27.0</sup>9.18.0<sup>12.17</sup>]дотриаконта-1, 3, 5 (28), 6, 8 (27), 9 (18), 10, 12 (17), 13, 15-декаена.

**Таркиби:**

1 таблетка қуйидагиларни сақлайди:

*фаол модда:* Кагоцел® (қуруқ моддага қайта ҳисобланганда) - 12 мг;

*ёрдамчи моддалар:* картошка крахмали – 10 мг, кальций стеарати – 0,65 мг, лудипресс (таркиби: лактоза моногидрати – 91% дан 95% гача, повидон (коллидон 30) – 3,0% дан 4,0% гача, кросповидон (коллидон CL) – 3,0% дан 4,0% гача) – массаси 100 мг таблетка олингунча.

**Таърифи:** жигарранг тусли оқ дан оч - жигарранг ранглигача, думалоқ шаклли, икки томонлама каварик, жигарранг доғли таблеткалар.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** Вирусларга қарши восита.

**АТХ коди:** J05AX

### Фармакологик хусусиятлари

#### Фармакодинамикаси

Кагоцел® препаратининг асосий таъсир механизми интерферон ишлаб чиқарилишини индукция қилишга олиб келиш ҳисобланади. Кагоцел® одам организмида вирусларга қарши юқори фаолликка эга α- ва β-интерферонларнинг аралашмасидан иборат кечки интерферонлар деб номланувчи моддаларни ҳосил бўлишини чақиради. Кагоцел® организмнинг вирусларга қарши жавобида иштирок этувчи деярли барча хужайралар популяцияларида: Т- ва В- лимфоцитларда, макрофагларда, гранулоцитларда, фибробластларда, эндотелиал хужайраларда интерферонни ишлаб чиқарилишини чақиради. Кагоцел® препаратининг бир дозаси ичга қабул қилинганда қон зардобидаги интерферонларнинг титри 48 соатдан кейин максимал кўрсаткичларга эришади. Кагоцел® ни юборишга организмнинг интерферон жавоби қон оқимида интерферонларни давомли (4-5 суткагача) айланиб юриши билан характерланади. Кагоцел® ни ичга қабул қилганда интерферонларни ичакда тўпланиш динамикаси айланиб юрган интерферонлар титрининг динамикаси билан мос келмайди. Қон зардобида интерферонларни ишлаб чиқарилиши юқори кўрсаткичларга Кагоцел® қабул қилингандан кейин 48 соат ўтгачина эришилади, аини вақтда ичакда интерферонларни максимум ишлаб чиқарилиши 4 соатдан кейин кузатилади. Кагоцел® препарати терапевтик дозаларда буюрилганда токсик эмас, организмда тўпланмайди. Препарат мутаген ва тератоген хусусиятларга эга эмас, канцероген эмас ва эмбриотоксик таъсирга эга эмас.

Кагоцел® препарати билан даволаганда энг юқори самарадорликка ўткир инфекция бошлангандан 4 кундан кечикмасдан уни буюрганда эришилади. Препаратни профилактик мақсадларда ҳар қандай муддатларда, шу жумладан инфекция кўзгатувчиси билан бевосита контактдан кейин қўллаш мумкин.

### **Фармакокинетикаси**

Организмга юборилгандан кейин 24 соат ўтгач Кагоцел® асосан жигарда, камроқ даражада ўпкада, тимусда, талокда, буйракларда, лимфотугунларда тўпланади. Ёғ тўқималари, юрак, мушак, уруғда, бош мияда, қон плазмасида паст концентрациялари аниқланади. Кагоцел®ни бош мияда миқдори пастлиги уни гематоэнцефалик тўсиқ орқали ўтишини қийинлаштирувчи препаратнинг юкори молекуляр массаси билан тушунтиради. Қон плазмасида препарат асосан боғланган ҳолатда бўлади.

Кагоцел®ни ҳар куни кўп марта юборганда тақсимланиш хажми барча текширилган аъзоларда кенг чегараларда ўзгаради. Айниқса препаратни талокда ва лимфатик тугунларда тўпланиши яққол ифодаланган. Ичга қабул қилинганда умумий қон оқимида препарат дозасининг тахминан 20% тушади. Сўрилган препарат қонда, асосан макромолекулалар билан боғланган қуйидаги шаклларда: липидлар билан – 47%, оксиллар билан – 37% айланиб юради. Препаратнинг боғланмаган қисми тахминан 16% ни ташкил қилади.

Чиқарилиши: препарат организмдан асосан ичак орқали чиқарилади: юборгандан кейин 7 сутка ўтгач организмдан юборилган дозани 88%, шу жумладан 90% - ичак орқали ва 10% - буйрак орқали чиқарилади. Чиқарилаётган нафасда препарат аниқланмаган.

### **Қўлланилиши**

Кагоцел® препарати катталар ва 3 ёшдан ошган болаларда грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар (ОРВИ) да профилактик ва даволовчи восита сифатида, шунингдек катталарда герпесда даволовчи восита сифатида қўлланади.

### **Қўллаш усули ва дозалари**

Овқат қабул қилишдан қатъий назар ичга қабул қилинади.

Грипп ва ОРВИ ни даволаш учун катталарга биринчи икки кун – 2 таблеткадан кунига 3 марта, кейинги икки кун – бир таблеткадан кунига 3 марта буюрилади. Бутун даволаш курси учун – 18 таблетка, даволаш курси – 4 кунни ташкил қилади.

Грипп ва ОРВИ ни профилактика қилиш катталарда 7-кунлик цикллар билан амалга оширилади: икки кун – 2 таблеткадан кунига 1 марта, 5 кун танаффус, сўнггра цикл такрорланади. Профилактик курс давомийлиги – бир неча ҳафтадан бир неча ойгача.

Катталарда герпесни даволаш учун 5 кун давомида 2 таблеткадан кунига 3 марта буюрилади. Бутун даволаш курси учун – 30 таблетка, курс давомийлиги – 5 кунни ташкил қилади.

3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларда грипп ва ОРВИ ни даволаш учун биринчи икки кун – 1 таблеткадан кунига 2 марта, кейинги икки кун – бир таблеткадан кунига 1 марта буюрилади. Бутун даволаш курси учун – 6 таблетка, курс давомийлиги – 4 кунни ташкил қилади.

6 ёшдан ошган болаларда грипп ва ОРВИ ни даволаш учун биринчи икки кун – 1 таблеткадан кунига 3 марта, кейинги икки кун – бир таблеткадан кунига 2 марта буюрилади. Бутун даволаш курси учун – 10 таблетка, курс давомийлиги – 4 кунни ташкил қилади.

3 ёшдан ошган болаларда грипп ва ОРВИ профилактикаси 7-кунлик цикллар билан амалга оширилади: икки кун – 1 таблеткадан кунига 1 марта, 5 кун танаффус, сўнггра цикл такрорланади. Профилактик курс давомийлиги – бир неча ҳафтадан бир неча ойгача.

Агар даволагандан кейин яхшиланиш кузатилмаса ёки симптомлар чуқурлашса ёки янги симптомлар пайдо бўлса, шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

Препаратни фақат йўриқномада кўрсатилган кўрсатмалар бўйича, қўллаш усули ва дозаларда қўлланг.

## **Ножўя таъсирлари**

Аллергик реакциялар ривожланиши мумкин.

Агар йўриқномада кўрсатилган ножўя самаралардан биронтаси чуқурлашса ёки Сиз йўриқномада кўрсатилмаган ҳар қандай бошқа ножўя самараларни сезсангиз, бу ҳақида шифокорга хабар беринг.

## **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

- ҳомиладорлик ва эмизиш даври;
- 3 ёшгача бўлган болалар;
- препаратнинг компонентларига юқори сезувчанлик;
- лактаза танқислиги, лактозани ўзлаштираолмаслик, глюкозо-галактоз мальабсорбцияда қўллаш мумкин эмас.

## **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Кагоцел® препарати бошқа вирусларга қарши препаратлар, иммуномодуляторлар ва антибиотиклар билан бирга яхши қўлланади (аддитив самара).

## **Махсус кўрсатмалар**

Даволаш самарасига эришиш учун препаратни касаллик бошлангандан кейин тўртинчи кундан кечиктирмасдан қабул қилишни бошлаш керак.

Ушбу препаратни қўллашни бошлашдан олдин, бу йўриқномани диққат билан ўқиб чиқинг, чунки у Сиз учун муҳим маълумот сақлайди. Йўриқномани сақланг, у Сизга яна керак бўлиши мумкин. Агар Сизда саволлар туғилса, шифокорга мурожаат этинг. Сиз даволанаётган ушбу дори воситаси шахсан Сиз учун мўлжалланган ва уни бошқа шахсларга бериш мумкин эмас, чунки у Сиздагига ўхшаш симптомлар бўлса ҳам, уларга зарар етказиши мумкин.

### ***Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши***

Зарур клиник маълумотларни йўқлиги туфайли, препаратни ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қабул қилиш мумкин эмас.

### ***Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири***

Препаратнинг транспорт воситалари, механизмларини бошқариш қобилиятига таъсири ўрганилмаган.

## **Дозани ошириб юборилиши**

Тўсатдан доза ошириб юборилганда кўп миқдорда суюқлик қабул қилиш, қусишни чақиритиш тавсия этилади.

## **Чиқарилиш шакли**

12 мгли таблеткалар .

10 таблеткадан ПВХ/ПВДХ плёнкали (поливинилхлорид/поливинилиденхлорид – PVC/PVDC) ва термокавшарланадиган қопламали алюмин фольгали контур уяли ўрамларда.

1, 2 ёки 3 контур уяли ўрамлар тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан картон кутига жойланади.

## **Сақлаш шароити**

Ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати**

4 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси расмийлаштирилган юридик шахс**

“НИАРМЕДИК ПЛЮС” МЧЖ

Россия, 125252, Москва ш., Авиаконструктор Микоян кўч., 12 уй.

**Ишлаб чиқарувчи корхона**

“НИАРМЕДИК ФАРМА” МЧЖ

Россия, 249030, Калужская вил., Обнинск ш., Королева кўч., 4 уй, 402 офис.

**Ишлаб чиқариш майдончаси манзили**

Россия, 249010, Калужская вил., Боровский райони, Маланьино қиш., Киевское шоссе, 120 уй, 3, 4, 5 бино.

**Истеъмолчиларнинг даъволари юборилиши керак**

“НИАРМЕДИК ПЛЮС” МЧЖ

Россия, 125252, Москва ш., Авиаконструктор Микоян кўч., 12 уй.

Тел./факс: +7 (495) 385-80-08

E-mail: safety@nearmedic.ru

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили**

“CARAT TRADE GROUP” МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент ш., а/қ 4218-сонли, Бош почта бўлими

Тел.: +99897 157 55 66

E-mail: irina.vayts@mail.ru.